

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES**

**ILMIY VA PROFESSIONAL TA'LIM JARAYONIDA
MULOQOT, JAMIYAT, FAN VA MADANIYATLAR
INTEGRATSIYASI**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

12-13-noyabr, 2021-yil

**INTERACTION OF COMMUNICATION, SOCIETY,
SCIENCE, AND CULTURE IN THE PROCESS OF
SCIENTIFIC AND PROFESSIONAL EDUCATION**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
MATERIALS**

12-13-november, 2021

Samarqand - 2021

I SHO'BA TIL NAZARIYASI VA MULOQOT MADANIYATI

И.М.Тўхтасинов. Маданиятлараро мулоқотда новербал коммуникация воситалари	3
Норбўтаев Х. Б., Салохитдинова Н. М. Бошланғич таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитишда интеграцион ёндашувнинг методик асослари	5
Саидова С. М., Одилов И., Номонжонова М. Виды и значения диктантов при изучении русского языка	8
Окилова Х. А. Муаммоҳои асосии валентнокии феъл дар забонҳои англисӣ ва тоҷикӣ	10
Гиясова Д. Инглиз тилида каузатив-агентивлик категориясининг семантик таҳлили	14
Болтакулова Г.Ф. Инглиз ва ўзбек тилларида вақт дейксиси ва унинг лингвистик талқини	16
Қаршиева З. Ш. Муаммоли таълим мазмуни	18
Ibadova N.A. Effective usage of test entries in foreign language teaching	21
Обруева Г.Х. К вопросу об изучения фразеологических единиц с именами собственными (методика-анализа).....	23
Bozorov Z.M. Lexical problems of translation	25
Шомуродова Ш.Ж. Метафорик маъно шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари	27
Истамкулов Дж, Курбонов С., Эркаев С. А., Эркаева Н.С. Изучение иностранных языки требование времени	29
Бегбудиева П.Ш. Педагогические и просветительские идеи джадидизма в Туркестане	33
Буранова М.У. Критерии отбора текстового материала при обучении чтению на иностранном языке в неязыковых вузах	34
Шарафов Б. Ёшларни ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир тарбиясида оиладаги муҳит таъсирининг педагогик- психологик омиллари	36
Rakhmatova M. S. The role of the teacher in the teaching process	38
Эсонов О. А. Муаммоли вазиятларни яратиш ва ҳал қилишнинг усуллари	40
Marufov E. Talabalarining ingliz tilida gapirish malakalarini fonetik jihatdan takomillashnirish	41
Ortiqov U., Irzayeva M. XIX asr oxiri xx asr boshlarida turkiston o'lkasida ta'lim tizimi	42
Daminova O. B. Ingliz tilida o'qib tushunish ko'nikmalarini shakllantirishda strategiyalar xususida	45
Otaboeva Z.G'., Qodiralev B.Yo., G'ufrojonov A.X. Masofaviy o'qitish tizimining talaba shaxsiga psixologik ta'siri	47
Diyarova A. Use of games in teaching foreign language in higher educational sectors	48
Dushanova N. M. The importance of psycholinguistics in learning language	50
Pulatova F. A. Xorijiy tillarni o'qitishning turli bosqichlarida roli o'yinlar va ularning ahamiyati	51
Kholmurodova D.X. Needs analysis for developing speaking skills of medical students	53
Холмуродова Д. Х. Талабаларнинг тил қобилятини ривожлантиришдаги педагогик муаммолар	54
Khalilova L. F. Innovative teaching approach	56
Гафурова С. Т., Абдусаломова М.Э. Управление в современном вузе и особенности профессиональной деятельности	57
Абдурахманова Ф. М. Чет тили ўқитувчисининг компетенциялари ҳақида	59
Алимджанова Д.Н. Некоторые аспекты педагогических авторских школ (на примере предмета педагогика)	60
Нажиева С.Н. Кредит-модуль тизими асосида талабаларга мотивация беришнинг педагогик аҳамияти	63
Тошпулатов Д. А. Илмий ва профессионал таълим жараёнида фанлар интеграцияси: тижорат лексикасини ўргатишда педагогик ишларни ташкил этишнинг мақсади ва вазифаллари	65
Маманиёзов Х.Т. Жаҳон тилларини ўрганиш Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида бошланғич ва асосий омиллардандир	67
Саидова С. Отлашган сифат от эмасми?	69
Mamatqulova N. Alisher Navoiy «Arba'in» asarining badiiyati xususida	72
Жамалова Г.Б. Прогнозирование и планирование в налогообложении	73
Рахмонов С.М. Жалолиддин румий таълимотининг ғоявий - фалсафий асослари.....	75
Мансуров Ф.Н. Ўзбек халқ педагогикасида дидактика ва унинг тамойиллари.....	76
Karshiyev J.A. Darsdan tashqari jarayonlarda talabalar ma'naviyatini shakllantiradigan asosiy mezonlar ..	78
Hakimova M. O'. Aqliy rivojlanishi susaygan bolalar bilan ishlashning pedagogik ahamiyati	79
Soliyeva Z.B., Quroqova M. Students' attitudes towards foreign languages and their methodology of language learning	80

Благодаря авторским концепциям или отдельно взятым авторским методам каждый учитель может разнообразить и сделать более интересным свой урок, чем пользуется большинство работников школ.

Таким образом, мы пришли к выводу, что каждый педагогический деятель старался создать свою систему воспитания и обучения, которая бы соответствовала физиологическим, психологическим и другим критериям развития ребенка. Все педагогические деятели, чьи педагогические идеи представлены в нашей, отмечали необходимость самореализации ребенка, уважения детства, создавая творческие концепции обучения.

Можем однозначно утверждать, что авторские школы – это огромный положительный педагогический опыт.

Говоря о понятии авторской школы и использовании авторских концепций в образовании, необходимо отметить то, что педагог, который строит свою деятельность на определенных принципах авторских школ, должен быть их последователем, преемником – человеком, который сам видит пользу и большое значение этих принципов.

Литература

1. Монтессори М. «Помоги мне это сделать самому»// Составители М. В. Богуславский, Г. Б. Корнетов. – М., ИД «Карапуз», 2000
2. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования: учебное пособие / Е.С. Полат, М.Ю. Бухаркина. – Москва: Академия, 2007. – 368 с. – (Высшее профессиональное образование. Педагогические специальности). – ISBN 978-5-7695-3468-3.
3. Хуторской А. В. Педагогическая инноватика: методология, теория, практика. Научное издание. — М.: Изд-во УНЦ ДО, 2005
3. Адамский А. Идея авторской школы// Режим доступа: <http://www.businessaudio.ru/2005/10/27/ikea-sales/>

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРГА МОТИВАЦИЯ БЕРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ.

Нажиева С.Н.

СамДЧТИ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ёшларга тўғри таълим бериш ва қобилиятларини ўстириш кераклиги ҳақида, ҳамда модуль-кредит тизимда талабалардаги ижодий фаолликни ошириш. Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишга мустақил таълимнинг аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган.

Калит сўз: Таълим, тизим, кредит-модуль, билим, дарс, ўқув, муассаса, ўқитувчи, маҳорат, қизиқиш, ижод, кадр, қобилият, мотивация, мустақил, талаба.

Кредит-модуль тизими ўқитишнинг бир тури бўлиб, мазкур технология талабаларда мотивацияни ривожлантириш, ақл-заковати, мустақиллиги ва ўқув-билиш фаолиятида ўз-ўзини бошқаришни ўзига қулай суръатларда амалга ошириш имконини беради. Нима учун ва қандай максатда мустақил ишлаш кераклигини тушунган талабагина ўзи учун ушбу суръатни аниқлаши мумкин. Ўқитувчи талабага индивидиал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Лекин бундай ҳолда ўқитувчининг ёрдами чекланган бўлиб, қуйидаги ҳолларда таъминланади: Агар талаба кўрсатмаларни бажариб, кейин нима қилишни билмаса; ўқув элементини узок вақт бажарса, дарслик, харита билан ишлай олмаса ёки топшириқни бажара олмаса; уйга вазифани бажармай, топшириқ мазмунини билмаса ва ҳ.к.

«Ўқув жараёнининг барча босқичларида ўқитувчи ўқув жараёни ҳамда ўқувчилар ўзаро ҳамкорлигининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида фаолият юритади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этади, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, ишлаш суръати, ўқув имкониятлари ва мустақил ишлаш кўникмаларини ҳисобга олиб, топшириқни бажариш вақтини режалаштиради. Модулли таълим технологияси ҳар бир таълим олувчига танланган таълим даражасини ўзлаштириш ва таълимнинг юқори босқичига ўтишини кафолатлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, модуль билан ишлаш жараёнида талаба ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ, тўла мустақил равишда ёки ўқитувчининг муайян ёрдами билан ўз олдига қўйган ўқув максатларига эришади.

Кредит-модуль педагогик технология талабалар тушуниши ва қабул қилиши лозим бўлган бир қатор мақсадлар асосига қурилади, ақс ҳолда қуйидаги унсурлардан иборат ўқув фаолияти жараёнининг яхлитлиги бузилади: талабалар томонидан мақсаднинг қабул қилиниши; янги материални қабул қилишга тайёргарлик қўриш; амалий ўқув фаолияти; мазмуннинг таҳлили; далилларини асослаш; таълим натижаларини ҳулосалаш; янги мақсадларни белгилаш.

Қатор мақсадларни шакллантириш модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятидир. Технологиянинг ўзининг энг муҳим мақсадларидан бири – ҳар бир талаба учун қулай иш суръатини яратишдир. Ҳар бир ўқувчи ўқишда ўз имкониятларини аниқлаш ва ўқитувчи томонидан таклиф этилган материални ўрганиш даражаларига мослашиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолиятини режалаштириш тамойилини қўллаш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Талабаларни топшириқларни ўз вақтида бажаришга ўргатиш уларни масъулият билан ўрганишга ўргатиш демакдир. Режалаштириш ғояси ўқитиш мақсадлари микёсида ва модулли дастурлар, модуллер ва ўқув элементларини ўқув материали мазмуни даражасида амалга оширилади. Ҳар бир ўқув курси ҳар бир ўқув дастурида мавжуд бўлган, назарий ўқув материали мазмунининг модуллари - блоклар ва ўқув малакалари ва қўникмалари алгоритмик кўрсатмалари блокларидан иборат ўқув модуллари (мавзулари)ни ўз ичига олади.

Тизимнинг барча унсурларини бирлаштирувчи функционал тугун турига кўра модуллерни лойиҳалаш уни ўқув жараёнининг бирликлари сифатида ажратиш имконини беради. Ўқитиш ва таълим олиш тизимлари ўзаро алоқада бўлган модулнинг таркиби, тузилиши ва фаолияти модуль асосида ўқитиш жараёнининг хусусиятларини тўлиқ ифодалайди. Бу – модулни ишлаб чиқишда ўқитувчи ҳисобга олиши керак бўлган яна бир хусусият: модулли дастур ўқитиш ва ўзаро таъсирда бўлиш тизими сифатида ишлаши керак. Таълим технологияси ўқув жараёнини оптималлаштириш, ўқувчиларнинг билиш ва шахсий фаолияти соҳасини ривожлантиришда ўқув жараёни яхлитлигини таъминлаш имконини беради. Модулли таълим технологиясининг мақсади талабаларнинг мустақиллигини ривожлантириш, индивидуал ўқиш имкониятларини ҳисобга олиб ишлаш қобилиятига қўмаклашишдан иборат. Технологиянинг интенсив табиати таълим жараёнини оптималлаштириш, яъни камроқ куч, вақт ва маблағ сарфлаб энг яхши натижага эришишни тақозо этади. Мазмун ўқув қўлланма матни орқали эмас, балки сиқик қўринишда, ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда, талабалар учун ишлаш қулай бўлган шаклда келтирилиб, мақбул, қулай турли даражаларга оид бўлиши керак.

Модулли ўқитиш технологияси ўқитувчига синондан ўтган замонавий усул ва методлардан кенг фойдаланиш имконини беради. Модулли ўқитиш технологиясидаги тайёргарлик босқичи ўқитувчи бу технологиядан биринчи марта фойдаланаётган бўлса, кўп куч талаб этилади, шунинг учун ўқитувчининг касбий маданияти кейинги иш жараёнида табиий равишда юқори технологик даражага етади.

Ўқув фанларини модулли қуриш ўқув жараёнини тартибга солиш, ўқувчилар мустақиллигини ошириш ва шахсининг юқори даражадаги малакага эришиш учун қўмаклашиши умум эътироф этилган. Шунинг учун кўпгина ўрта ва олий ўқув юртлари ва махсус ўқув юртлари ўқув жараёнини модулли, семестр-модулли, муаммоли-модулли асосда ташкил этиб, бунинг учун тегишли таълим технологиялари яратилади. Ҳар бир таълим технологияси уни рўёбга чиқариш жараёнида ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Модулли ўқитиш ғоясининг ўзини ўрганишга ўтиш “педагогик назария”, “дидактик назария”, “ўқитиш методикаси”, “педагогик технология” (“ўқитиш технологияси”) каби тушунчалар билан босқичма-босқич танишиш имконини бери.

Модулли таълим технологияси интенсив таълим технологияларидан бири бўлиб, замонавий таълим жараёнида кенг қўлланади. Модулли таълим технологияси моҳияти ўқувчилар томонидан тугалланган ахборот блоклари - модуллерни кетма-кет ўзлаштиришдан иборат. Алоҳида ўзаро боғланган модуллерга бўлинган ўқув ахбороти таълим оловчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш жараёнини оптималлаштириш, предметли таълим тизимида ўрганиладиган ўқув материалдан кераксиз ахборот блокларини чиқариб ташлаш, олинган назарий билим ва амалий қўникмаларни ўзаро боғлашни таъминлашга қаратилган. Модулли таълим технологияси ҳар бир талаба шахсининг психологик хусусиятларига, тавсия этилган ўқув дастури билан талабаларнинг мустақил ишлашига қаратилган бўлиб, унда белгиланган дидактик мақсадларга эришиш учун ҳаракатлар мақсадли дастури, маълумотлар базаси ва услубий кўрсатмалар мавжуд. Модулли ўқитиш технологияси таълим жараёнини муайян соҳа мутахассисларини тайёрлаш талабларига мувофиқ бошқаришни таъминлайди, бу эса ёш мутахассиснинг маълум касбий фаолият турига мослашишга кетадиган вақтни камайтиради. Педагогнинг касбий ва шахсий фазилатлари ҳам педагогика соҳасида ишлаш учун зарур бўлиб, улар олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шартидир.

Адабиётлар рўйхати